

**САЙИДИРАХИМОВА Насиба
Сайидмахмадовна**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси доценти, филология фанлари номзоди
Email: sayidirahimova@navoiy-uni.uz

БАКИР ЧЎПОНЗОДА ИЖОДИ ВА УНИНГ ШЕЪРЛАРИДА СИНТАКТИК АНТОНИМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

ТВОРЧЕСТВО БАКИРА ЧУБАНЗАДА И ПРИМЕНЕНИЕ СИНТАКСИЧЕСКИХ АНТОНИМОВ В ЕГО СТИХАХ

THE CREATIVITY OF BAKIR CHUBANZADA AND THE USE OF SYNTACTICAL ANTONYMS IN HIS POEMS

Аннотация. Туркий халқлар ҳамма вақт муштарак яшаб келгани сабабли, уларнинг маданияти, тарихи, ижодида ҳам яқинлик кузатилади. Шу боис, туркий халқларнинг маълум ва машҳур мутафаккирлари, олимлари, адиблари ҳамда ижодкорлари меросини чуқур ўрганиш туркологларнинг назаридан четда қолмайди. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақолада крим-татар шоири, турколог, турк тили ва адабиёти ривожига соҳасига алоҳида ҳисса қўшган олим Бакир Чўпонзоданинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида маълумот берилади. Унда Чўпонзоданинг илмий ва бадиий мероси, бадиий асарларининг лексик-семантик хусусиятлари ҳамда унинг шеърларида синтактик антонимларнинг қўлланилиши хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: лингвопоэтика, лексик-семантик ўзига хослик, параллелизм, риторик сўроқ, эмоционал-экспрессив матн, синтактик антонимия, синтактик антонимларнинг намоён бўлиши, услубий бўёқ, контекстуал антонимия, синтактик структура.

Аннотация. Поскольку тюркские народы всегда жили вместе, их культура, история и творчество тесно связаны между собой. Поэтому исследование известных мыслителей, ученых, писателей и творцов тюркской культуры и науки не может

оставаться без внимания тюркологов. В этом контексте в данной статье представлены сведения о жизни и творческом пути крымскотатарского поэта, тюрколога, ученого Бакира Чубонзоде, внесшего особый вклад в развитие тюркского языка и литературы. Рассказывается о его научно-художественном наследии, лексико-семантических особенностях его художественных произведений, применении синтаксических антонимов в его стихах.

Ключевые слова: лингвопоэтика, лексико-семантические особенности, параллелизм, риторический вопрос, эмоционально-экспрессивный текст, синтаксическая антонимия, проявление синтаксической антонимии, экспрессивная оттенка, контекстуальная антонимия, синтаксическая структура.

Annotation. Since the Turkic peoples have always lived together, their culture, history and creativity are closely linked. Therefore, the study of well-known thinkers, scientists, writers and creators of Turkic culture and science cannot be left without the attention of Turkologists. In this context, this article presents information about the life and creative path of the Crimean Tatar poet, Turkologist, scientist Bakir Chubonzoda, who made a special contribution to the development of the Turkic language and literature. It tells about his scientific and artistic heritage, the lexical and semantic features of his works of art, the use of syntactic antonyms in his poems.

Key words: linguopoetics, lexico-semantic features, parallelism, rhetorical question, emotionally expressive text, syntactic antonymy, manifestation of syntactic antonymy, expressive nuance, contextual antonymy, syntactic structure.

КИРИШ

Крим-татар шоири, турк тиллари ва адабиёти соҳаси мутахассиси, турколог олим Бакир Чўпонзода, 1893 йилнинг 15 май куни Кримнинг Қорасубозор туманида чўпон оиласида таваллуд топади. Филология фанлари доктори (1920), Баку давлат университети профессори, (1934 йиллар) Озарбайжон ёзувчилари уюшмаси раиси лавозимларида фаолият юритади.

1904-1908 йиллар оралиғида у Қорасубозорнинг янги усулдаги ўрта мактабига ўқийди. Мактабни имтиёзли тамомлаб, шаҳар бошлиғи Решид Медиев тавсияси билан маҳаллий мусулмонлар хайрия фонди ёрдами билан Истамбулга ўқишга юборилади.

Натижада 1909-1914 йиллар оралигида у машҳур Галатасарой лицейида ўқишга мушарраф бўлади. Бу ерда ўқиши билан бирга у бир вақтнинг ўзида Истамбул университети қошидаги 3 йиллик араб ва француз тиллари олий курсини ҳам тамомлайди ҳамда ўрта мактаблар ва лицейларда мазкур тиллардан дарс бериш ҳукуқини қўлга киритади. Истамбулда ўқиб юрган кезларида Бакир Чўпонзода (Чўпон-ўғли) таҳаллуси билан илк шеърларини нашр эттиради.

1914 йилда Бакир Чупонзода Кримга қайтиб келади, бироқ рус тилини мукамал ўрганиш мақсадида Россиянинг Одесса шаҳрига жўнаб кетади. Одессадан эса австро-венгер фронтига юборилади. Фронтда у асирликка тушиб қолади. Бакирнинг ўз қайдномаларида тўхталишича, Мессарош деган венгриялик машҳур профессор олим, унинг лингвистик билимига алоҳида катта баҳо берган. 1915 йилнинг декабрь ойида Бакир Будапештда ўқишни давом эттириш бўйича йўллаган мурожаати бўйича ижобий жавоб олади ва 1916 йилда Пётр Пазман номидаги Будапешт университетининг тарих-филологияси ўқишга қабул қилинади. Бу ерда ўқиш чоғида Чўпонзода европа илмига қадам қўйиб, “Қуманикус Қомуси”, яъни машҳур кипчак ёзма ёдгориги тили ўрганишни бошлайди.

Қўп тилларни билганлиги сабабли у келгуси фаолиятини Будапешт университетининг тарих-филологияси факультетида бошлайди. Мазкур университетда ишлаш билан биргаликда 1920 йил Бакир Чўпонзода “Қуманикус Қомусида сингармонизмдаги номувофикдиклар” номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Ўқишни тамомлаб бўлгач, Бакир ўз юртига қайтгунга қадар Шарк мумтоз академиясида ҳамда Будапешт ва Лозанн (Швейцария) университетларида турк тилидан дарс беради ва 26 ёшида ҳар иккала университетининг профессори унвонини қўлга киритади. Унинг “Қъырым” ҳамда “Тёк китап” номли биринчи илмий нашрлари Истамбулда ва пантюркистларнинг “Турон” номли журналларида босилиб чиқади.

1919 йилнинг март ойида Чўпонзода Венгер коммунасининг етакчиларидан бирига айланади. Натижада у Венгер қизил армияси таркибидаги Хорижий полкка асос

солади ва фаолият юритади. Бироқ Венгер Совет Республикаси парчалангандан кейин у Венгрияни тарк этиб, яна Туркияга йўл олади.

1920 йилда Бакир Чўпонзода ўз юрти – Кримга қайтиб келади ва Симфереполдаги Таврий университетнинг шарқшунослик факультетида профессор лавозимида дарс бера бошлайди. Шу йилнинг ёз ойида Бакир Чўпонзода Озарбайжон университетига чакирилади ва энди у ўз илмий ва педагогик фаолиятини Бакуда давом эттиради. Бакир Чўпонзода мазкур йилларда янги (лотин) алифбосига ўтиш борасида жонбозлик кўрсатади ва ҳатто бир неча бор Ўзбекистонга ҳам келиб, мазкур масала юзасидан ўз-фикр мулоҳазарини билдириб маърузалар ўқийди. Бироқ 1928 йилдаги репрессия Бакир Чўпонзодани ҳам тинч қўймайди. Шунга қарамай, у барча таъқибларга қарши чиқади ва ўз илмий педагогик фаолиятини давом этиб, на фақат Баку, балки Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ҳам дарс беради ва СССР Фанлар академиясини муҳбир аъзоси сифатида тайинланади. Қатағонлик домига тушиб қолган Бакир Чўпонзода 1937 йилда қурбон бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бакир Чўпонзода ўздан келгуси авлодга туркология ва адабиётшунослик соҳасига доир кўплаб бой илмий мерос қолдира олди. Унинг энг муҳим асарлари “Қўмиқ тили равишлари ҳақида дастлабки маълумотлар” [8], “Қўмиқ сўзлиги ва тили ҳақида қайдлар” [4], “Турк-татар диалектологияси” [10], “Фузулий” Тўплам [11], “Навоий” Тўплам [7], “Турк-татар тилшунослигига кириш” (Озарбайжон тилида) [3], “Қрим-татар тилининг илмий грамматикаси” [6], “Татар тили ва адабиётини ўқитиш методикаси” [5], “Турк грамматикаси” (Турк тилида) каби 150 дан ортиқ илмий мақола ва кўплаб монографиялари шулар жумласидандир.

Унинг танланган асарлари 1913 йил Туркияда “Яш татар тилида” номи остида нашр этилди. У туркология ва тилшунослик соҳаси ривожига ҳисса қўшувчи қатор илмий асарлар билан бир қаторда, адабиётшуносликка оид ижодий мерос, яъни шеърлар ҳам қолдира олди. Чўпонзоданинг шеърлари у қадар кўп бўлмаса-да, бироқ унинг шеърларида Ватан, Она

юрт, ватанга, юртга муҳаббат, ватанпарварлик, соғич, эрк, гурур, тилга эътибор, тилни кадрлаш каби қатор ғояларнинг куйланиши ва бу ғояларнинг ёшлар тарбиясида ўта муҳимлиги билан ажралиб туради. Хусусан, унинг “Минг тўққиз юз ўн тўққиз”, “Кекса Дунай”, “Бир изн берингиз, “Она тилим”, “Онам”, “Умид”, “Бир сарой куражакман” каби қатор шеърлари шулар жумласидандир [2: 33-87].

Бир сарой куражакман! Хон бўлмагай ичинда,

Гул, чўри, очлик, хўрлик, қон бўлмагай ичинда...

Тошин ёт эллардан келтирмасман ҳеч,

Етар ўз юртимда кўйилган кирпич...

Гарчи юксак бўлмаса-да қошонаси,

Мустаҳқа му ёруғ бўлгай ҳар хонаси...

Деразаси катта бўлгай, нурлар киргай,

Эшиклари шуълаларга очик тургай...

Қибла ели кириб тургай бу саройга,

У қарашли бўлмагай ҳеч фалон бойга...

(Бу севги юракка шуълалар солур). [2:35]

Мазкур мисраларда Чўпонзода ўз қалб изтиробини тўла қаламга туширганини кўришимиз мумкин.

Тозалайман юртимнинг бул вайронини,

Шаҳид кетган мардлар устихонини...

Улардан мен ажиб лойлар қоражакман,

Жабрлардан суяк сўраб боражакман...

Шу зайлда тиклангайдир тўрт девори,

Чашмалари, чечаклари, зўр виқори...

Топтамагин эзгу ерни, сен энди тур,

Солгин сарой, ўз бетимсол давлатинг қур...

Бир сарой куражакман, тош бўлмагай ичинда,

Суяк, эту жон бўлгай, ёш бўлмагай ичинда,

Оч бўлмагай ичинда...

(Бу севги юракка шуълалар солур). [2:35]

Бакир Чўпонзода шеърларини таҳлил қилар эканмиз, унинг ўз шеърларида умухалқ тилидан унумли фойдалана олиш қобиляти, лексик-семантик, синтактик актуаллаштурувчи воситалардан ўта унумли фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, унинг тил услуби содда, равон, шеърлари таъсирчан эканлиги киши диққатини ўзига торта олади. Бу эса ўқувчи қалбидан жой олишини таъминлайди, десак муболаға бўлмайди. У ўз шеърларида контекстуал антонимия (Бахт кўп қайсар, енгилмас, Ёлвормас у, эгилмас;

Эскиликни ташлангиз, ўқитмоқни бошлангиз), синонимия (Оқ, яшил, қора тоғлар, Жигари пора тоғлар), синтактик параллелизм (Битсин юрак яраси, битсин юрак яраси...; Дўст-душманлар тингласин, дўст-душманлар тингласин...; Бахтнинг шуъласи тушсин, бахтнинг шуъласи тушсин...; Зиндонларга отайлик, зиндонларга отайлик...; Жавобини олиб қайт, жавобини олиб қайт!...), такрор, риторик сўроқ гаплардан унумли фойдаланганлигини кўриш мумкин. Бу эса матн таъсирчанлигини оширишга, матнни синтактик поэтик актуаллаштиришга ёрдам берган.

Шунингдек, унинг шеърларида ҳис-ҳаяжонли матнлар ҳам ўта моҳирона тузилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан:

Ростин айтай, менинг ҳам бир тошгим келар!...

Шу бир йиллик тўсиқлардан ошгим келар!...

Кошки мен ҳам сендай шиддат олиб оқсам!...

Инсонликнинг ғовларини йиксам, ёқсам!...

Кўнглим ўксик – менинг халқим кичик бир кўл,

Дарёларга етказсайдим топиб бир йўл!...

(Бу севги юракка шуълалар солур). [2:35]

Чўпонзода шеърларида синтактик антонимия ҳодисасига оид кўплаб мисолларни ҳам топиш мумкин. Маълумки, синтактик антонимлар воқеликнинг қарама-қарши қутбларини акс эттиргани сабабли зид аъзолар бир-бири билан шартли боғланади ёки бири иккинчисини тақозо этади. Масалан,

Ўнгарган, ўнгган тоғлар,

Қайнаган, тўнгган тоғлар.

Мазкур мисралардаги “ўнгармоқ” сўзини таҳлил қиладиган бўлсак, ўзбек тилининг этимологик луғатида “ўнг” сўзининг иккинчи маъноси аввалги рангини йўқотган” маъносида келади. Муаллиф “ўнгарган” – рангланган, ранг олган” маъносини ассоциатив тарзда “ўнгган” яъни “ўнгини – рангини йўқотган” семемасига зидлаш асосида “ўнгган тоғлар”га синтактик конструкциясига зидлаш асосида синтактик антонимияни ҳосил қилмоқда.

Ёки иккинчи гапни ҳам таҳлил қиладиган бўлсак, бу ўринда ҳам шоир “қайнамоқ” сўзига “тўнг” – “тўнгламоқ”, “қотмоқ” (айрим шеваларда, масалан, водий шевасида “ёғи тўнглаб қолди” “қотиб қолди” маъносида

ишлатилади) сўзини зидлаш асосида синтактик антонимияни ҳосил қилганини кўришимиз мумкин.

Шуни таъкиллаш жоизки, ҳар қандай лексик антонимлар синтактик сатҳга киргунга қадар лексик бирлик мақомида бўлади. Синтактик бирлик таркибида улар синтактик моҳият касб этади ва синтаксиснинг ўрганиш объектига айланади. Бу жиҳатдан қараганда, лексик антонимлар ҳам синтактик структура таркибида синтактик антонимияга йўл очади. Масалан,

Бағридан буюк тоғлар / Юраги куюк тоғлар...

Жўшадир туйғулар / қайғум йўқолур,

Юзи бор / кўзию қоши йўқ Шарқнинг,
Дарди бор / тўкқали ёши йўқ Шарқнинг,
Тили бор / сўзлашга доши йўқ Шарқнинг,
Чўллари, кўллари, эллари туман.

Гоҳида ёмғирдир / гоҳо қор-қиров,
Гоҳ музга айланар / гоҳо ўт-олов,
Бирров ўчоқ ёқар / сўндирар бирров каби.
(Бу севги юракка шуълалар солур). [2:35-38]

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Бакир Чўпонзода ўзидан келгуси авлодга туркология ва адабиётшунослик соҳасига доир кўплаб бой илмий мерос қолдира олди. Унинг энг муҳим асарлари “Қумик тили равишлари ҳақида дастлабки маълумотлар”, “Қумик сўзлиги ва тили ҳақида қайдлар”, “Турк-татар диалектологияси”, “Фузулий” Тўплами, “Навойи”, “Турк-татар тилшунослигига кириш”, “Қрим-татар тилининг илмий грамматикаси”, “Татар тили ва адабиётини ўқитиш методикаси”, “Турк грамматикаси” каби 150 дан ортиқ илмий мақола ва кўплаб монографиялар шулар жумласидандир.

Ўз илмий ва ижодий фаолияти ҳамда мероси билан туркий халқларни бирлаштирувчи турколог олиш ва шори Бакир Чўпонзоданинг ҳоҳ илмий, ҳоҳ бадиий асарларини ўрганиш, таҳлил қилиш тилшунослик, адабиётшунослик борасида янги-янги хулосаларга келишимизга ёрдам беради, десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – 600 б.
2. Чўпонзода Б. Бу севги юракка шуълалар солур // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 2 (177). – Б. 33-87.
3. Чубанзаде Б. Введение в тюрко-татарское языковедение (на азербайджанском языке). – Баку, 1924.
4. Чубанзаде Б. Заметки о языке и словесности кумыков (на тюркском яз.). – Баку, 1926.
5. Чубанзаде Б. Методика преподавания татарского языка и литературы. – Баку, 1926.
6. Чубанзаде Б. Научная грамматика крымско-татарского языка (на османском языке). – Симферополь, 1925.
7. Чубанзаде Б. Неваи. Сборник. – Аку, 1926.
8. Чубанзаде Б. Предварительное сообщение о кумыкском наречии, Баку, 1926.
9. Чубанзаде Б. Тюркская грамматика (на тюркском языке). – Баку, 1930.
10. Чубанзаде Б. Тюрко-татарская диалектология. – Баку, 1927.
11. Чубанзаде Б. Фузули. Сборник. – Баку, 1925.